Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 194 (21. 061) 1991 йил 4 октябрь, жума ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЛАТВИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:** Латвия Республикаси мустақиллиги эътироф этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш.ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 30 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЛАТВИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши Латвия Республикасининг Олий Кенгашини, бутун халқини Латвия тўла давлат мустақиллигига эришганлиги, у халқаро қўламда кенг танилганлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлиги билан табриклайди.

Латвия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар анъанавий дўстлик руҳида бўлиб, хайрихоҳлик ва иккала республиканинг суверенитетини тан олиш принципларига асосланади. Мустақил Ўзбекистон бундан буён ҳам тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат асосида ҳар томонлама иқтисодий ва маданий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражада давом эттириш ниятида.

Латвия халқига мустақил демократик давлат қурилишида катта муваффақиятлар, бахт ва равнақ тилаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЛИТВА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:** Литва Республикаси мустақиллиги эътироф этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 30 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЛИТВА РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Литва Республикаси Олий Кенгашини ва у орқали бутун Литва халқини тарихий воқеа билан — Литванинг тўла давлат мустақиллиги тикланганлиги, у дипломатик йўл билан кенг танилганлиги ва Литва Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлиги билан қизғин ва самимий табриклайди.

Мустақил Литва халқига давлат суверенитетини мустаҳкамлаш ва иқтисодий равнақ топиш йўлида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Халқларимиз фаровонлиги йўлида Литва билан Ўзбекистон ўртасида анъанавий дўстлик, ўзаро ҳурмат, ҳар томонлама иқтисодий ва маданий ҳамкорлик муносабатларини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга қарор қилганлигимизни изҳор этамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЭСТОНИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:** Эстония республикаси мустақиллиги эътироф этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 30 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЭСТОНИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши республикангиз парламентининг аъзоларини ва халқини Эстония тўла давлат мустақиллигига эришганлиги ва унинг халқаро қўламда эътироф этилганлиги билан табриклайди.

Муҳим воқеа — Эстониянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиниши Эстония Республикасининг илғор кучлари миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат ажралмас ҳуқуқини амалда рўёбга чиқариш, тарихий адолатни тўла-тўкис тиклаш учун изчил ва қатъият билан олиб борган курашининг муносиб якуни бўлди.

Дўст Эстония халқига миллий тикланиш, жаҳон ва умумевропа жараёнлари доирасида иқтисодий равнақ топиш ҳамда демократик ривожланиш йўлида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши мустақил республикаларимиз халқлари фаровонлиги йўлида Эстония Республикаси билан ҳар томонлама ҳамкорликни, тенглик, ўзаро ёрдам ва ҳурмат негизида давом эттиришга тайёр эканлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши.

ЮРАГИДА ЎТИ БОР ҲАР БИР КИШИНИНГ ЎРНИ ДАЛАДА

Поп районидаги «Поп» давлат хўжалиги деҳқонлари 2450 гектар ернинг ҳар гектаридан режадаги 27,1 ўрнига 30 центнердан ҳосил олиш учун курашишмоқда. Айни пайтда далаларда иш қизғин. Ҳосилнинг 80 фоизи машиналар ёрдамида йиғиштириб олинади.

СУРАТДА: давлат хўжалиги директори Тельман Иномов хўжалик пахтакорлари билан мастлаҳатлашмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЗАФАР ҚУЧИШДИ

Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли давлат хўжалигининг Тошкенбой Жонзоқов бошлиқ звеноси пахтакорлари қисқа муддатда зафар қучишди. Улар 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 26 ўрнига 30 центнердан ҳосил олишди. Қабул пунктига 120 тонна пахта сотилди. Анвар Толипов, Рустам Аноров, Баҳром Хожиқулов каби ишчи ва механизаторлар бу ютуққа муносиб улуш қўшишди. Миришкорлар ялпи ҳосилни 150 тоннага етказишга аҳд қилишди.

Ш. АНВАРОВ.

ПАХТАКОРГА ҲАММА МАДАДКОР

● Маиший мавзуда

Куз-кузлигини қилаяпти. Осмонда тез-тез булутлар пайдо бўлиб, совуқ шабада туряпти. Ёмғир ёғмоқда. Табиатнинг бу нотантилиги деҳқонларни саросимага солаётгани йўқ. Суяги пахта етиштириш заҳмати билан қотган деҳқонлар бу инжиқликларга қўникма ҳосил қилган. Қолаверса бугунги кунда пахтакорга ҳамма мададкор.

Шу кунларда сартарошу этикдўз, сураткашу тикувчи ҳам далада, пахтазорда. Улар хизматни дала шийпонига кўчиришган. Биз Қарши райони жамоа ва давлат хўжаликлари пахта далаларида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Район ижроия комитети пахтакорларга маиший хизмат кўрсатишни ташкил этиш юзасидан қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Ижроком район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бирлашмасининг комплекс тадбирларини тасдиқлади.

Тадбирлар асосида йиғим-терим даврида пахтакорларга маиший хизмат кўрсатадиган учта кўчма бригада, 38 та звено ташкил қилинди. Улар керакли асбоб-ускуналар ва автомашина билан таъминланди. 60 га яқин ходим бириктирилди. Бригада, звено аъзолари жойларда, аҳоли пунктлари, дала шийпонларида бўлиб, меҳнаткашлар оғирини енгил қилишяпти. Сартарошлардан С. Шаропов, С. Нуров, А. Каттаев, этикдўзлардан О. Рўзиев, С. Турсунов, Ж. Массуев, тикувчилардан М. Муртазоева, Ҳ. Гулова, У.Ўринова, сураткашлардан А. Нуров, Г. Камолов, А. Навраевлар «Коммунизм» жамоа хўжалиги, «Ленин йўли», С. Раҳимов номли, «Москва», А. Икромов номли, К. Маркс номли давлат хўжаликларида тез-тез бўлиб, пахтакорлар қимматли вақтини тежашга ҳисса қўшишяпти.

— Биз пахтакорлар, механизаторлар ва ҳашарчиларга маиший хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетмаслиги учун ҳаракат қиляпмиз, — деди район ижроия қўмитасининг раиси Р. Жалилов. — Чунки, пахта хирмонларини яратиш учун ҳал қилувчи дамлар бошланган шу кунларда терим иштирокчилари кайфиятини кўтариш, уларга мададкор бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Меҳнат унумдорлигини ошириш эса пахтакорга қандай хизмат кўрсатилаётганига ҳам боғлиқ. Шу боисдан район ва қишлоқ Кенгашлари ижроия қўмиталари ўз фаолиятларини теримчиларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратмоқдалар. Бу эса пахтакорлар ғайратига ғайрат қўшяпти. Терим суръати ошиб боряпти. Райондаги А. Икромов номли, К. Маркс, С. Раҳимов номли ва «Ленин йўли» давлат хўжаликларининг пахтакорлари теримда пешқадамлик қилишяпти.

М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЛҒОРЛАРГА— МУКОФОТЛАР

Жумҳуриятимизнинг шимолий районларида ҳам пахта йиғим-терими суръати тобора авж олмоқда. Амударё районидаги «Манғит» давлат хўжалигидаги бир қатор бригадаларда кунига 5,5—6 фоиздан ошириб пахта тайёрланмоқда. Ф. Жуманиёзов, Н. Яхшимурудов, С. Худойберганов, Д. Сафарбоев бошлиқ бригадалар шулар жумласидандир.

Сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Д. Жумамуродов бошлиқ 6-агроучастка пахтакорлари 30,77 фоиз пахта тайёрлаб, биринчи ўринни эгаллашганди. 150 сўм пул мукофоти билан тақдирланишди. 4-агроучасткадаги Г. Бобониёзов бошлиқ бригада пахтакорлари эса 55,28 фоиз пахта тайёрлаб, 100 сўм пул мукофотини олишга сазовор бўлишди. У. Отажонов, Қ. Салаев, Қ. Аҳмедов каби механизаторларнинг ҳозиргача тўккан пахталари 95—130 тоннадан ошди.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАЛАР РАҲБАРЛАРИ ОЛМАОТА УЧРАШУВИНИНГ ЯКУНЛАРИ

ОЛМАОТА, 2 октябрь. (ТАСС—ҚозТАГ мухбирлари Владимир Акимов, Геннадий Кулагин). Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига мувофиқ Олмаотада тўпланган мустақил республикаларнинг раҳбарлари 1991 йил топшириқлари бажарилишига ва 1992 йил учун республикалараро иқтисодий битимлар ва шартномалар (энг аввало бўлажак қиш фаслида озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи-энергетика ресурслари етказиб бериш соҳасида)га умумий ёндошувларни белгилаш ва келишиб олишга муваффақ бўлдилар.

Озарбайжон, Арманистон, Белорусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина делегацияларининг бошлиқлари мазкур учрашув якунлари бўйича қабул қилган Баёнотда шулар айтилган. Шунингдек, мустақил давлатлар иқтисодий ҳамкорлигининг, республикалараро бевосита иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларнинг асосий принципларни ҳам келишиб олинди. Илгари эришилган республикалараро иқтисодий битимлар ва шартномалар янги иқтисодий муҳитни вужудга келтириш учун негиз бўлди, дейилади Баёнотда.

Делегацияларнинг раҳбарлари мамлакатни қамраб олган иқтисодий таназзулдан чиқишнинг бирдан-бир йўли — бозор муносабатларига жадал ўтиш, ишбилармонликни ҳар томонлама ривожлантириш, барча йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш деб ҳисобламоқдалар. Улар иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартнома имзоланишини якдиллик билан ёқламоқдалар, бу шартнома мустақил давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг принцип жиҳатдан янги асосларини яратади.

Бозор муносабатлари шаклланаётган даврда мустақил давлатлар иқтисодиёти нормал ишлашини таъминлаш учун давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тузилиши зарурлиги эътироф қилинди. Эркин нарх белгилашга ўтиш даврида нарх сиёсати мувофиқлаштирилган ҳолда олиб борилишини таъминлаш ҳам зарур. Пул ва кредит сиёсати соҳасида келишиб ҳаракат қилиш ҳам устувор аҳамият касб этмоқда. Миллий валюталарни жорий этишга келганда, у бўлажак иқтисодий ҳамжамиятнинг пул тизимига зиён етказмаган ҳолда амалга оширилиши керак.

Учрашув қатнашчилари мустақил давлатлар инсон ҳуқуқларига риоя этилишига ва иш ўринлари бериш, меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларида миллатига ва бошқа белгиларига қараб фуқароларни камситишнинг бутунлай тугатилишига кафолат берилиши ва бошқа ижтимоий кафолатлар берилиши зарурлигини бутун масъулиятни зиммага олиб айтдилар.

РСФСР, Украина, Белорусь, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон раҳбарлари имзолаган Баёнотда бундан аввал эришилган республикалараро икки томонлама ва кўп томонлама иқтисодий битимлар ва шартномалар кўп йиллар мобайнида тоталитаризм ҳукмронлиги ва аввалги бошқарув тизими натижасида келиб чиққан оғир иқтисодий таназзулдан чиқиш йўлини кўрсатиб берди. Улар мустақил давлатлар оқилона иқтисодий алоқаларга асосланган иқтисодий майдоннинг вужудга келиши учун асос солдилар. Янги иқтисодий муҳит, унинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, товар-пул ва бозор муносабатларини вужудга келтиришнинг ижобий жараёни авж олиб кетди.

Саккиз республика раҳбарлари 1991 йилнинг 15 октябригача иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги кўп томонлама шартномани ўзаро имзолашга қарор қилдилар. Улар ҳозирги вазиятда ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш ҳамда туб иқтисодий ўзгартишлар қилишнинг кучли воситаси бўлган ва ўзлари қабул қилган қарорларнинг мақсадга мувофиқ эканлигига чуқур ишонч билдирдилар. Қолган мустақил давлатлар масаланинг шундай қўйилиши натижасида Иттифоқдан ташқарида қолаётганликлари сабабли уларнинг раҳбарларига ўз позицияларини яна бир бор чамалаб кўришни ва шартномага қўшилишни таклиф қилдилар.

Сизда қандай янгиликлар бор?

ФИРМАДАН КОМБИНАТГА

● **Андижон шаҳрида жойлашган вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг атлас фирмаси комбинатга айлантирилди. Ҳозир бу ерда 350 дан ортиқ ҳунарманд ишлаяпти.**

Комбинатда атлас ва гилам тўқиш, тикувчилик ва хом ашё тайёрлаш цехлари ишлаб турибди. Вилоят болалар туристик базасининг эски биноси ҳам шу комбинат ихтиёрига берилди.

Комбинатда ишлаб чиқарилаётган «Кремль», «Пахтаой», «Гулдаста», «Чашма», «Шахмат», «Товус» ва бошқа атласлар ўзининг сержилолиги ва юқори сифатлилиги билан бошқа атласлардан ажралиб туради.

Атлас тўқиш цехларининг бошлиқлари Қобилжон Абдуллаев, Мирзабаҳром Рўзиев, тўқувчилардан Дилором Юсупова, Умида Маҳмудова, Феруза Ҳусанова, Раҳима Нурматова ва бошқалар харидоргир атласлар тўқишда ҳаммага ибрат бўлишяпти.

КИЧИК ШИРКАТЛАР

● **Қўрғонтепа ноҳиясидаги «Султонобод» жамоа хўжалигида тикувчилик, енгил машиналарни таъмирлаш, ғишт ишлаб чиқариш ширкатлари ишлаб турибди.**

Яқинда жамоа хўжалигида полиэтилендан пленка ишлаб чиқарадиган яна битта кичик корхона очилди. Шунингдек, Андижон районидаги Заврок қишлоғида ҳам атлас тўқиш ширкати иш бошлади. Иноможон Холиқов Карл Маркс номли давлат хўжалиги маъмурияти билан шартнома тузди. Хўжалик раҳбарияти унга эски дала шийпони ва ярим гектар ер ажратиб берди. Холиқов шийпонни таъмирлаб, тўқув дастгоҳлари ўрнатди ва ёшларни шогирдликка олиб, уларга тўқувчиликни ўргатди. Ширкат жамоаси бир ойда 1600 погон метр атлас тўқиди.

Ширкатнинг истиқболи порлоқ. Кейинчалик унинг қошида ип-йигирув, трикотаж цехлари очиш мўлжалланмоқда.

МУРАББИЙЛАРГА УСТАМА МУКОФОТ

● **Шаҳрихон қурилиш-монтаж бошқармаси жамоаси билим юртларини тамомлаб қурилишга ишга келган ёшларга алоҳида ғамхўрлик қила бошлади. Қурилишда узоқ йиллар ишлаб обрў-эътибор топган малакали қурувчилар янги ишга келган ёшларни шогирдликка олдилар.**

Шу йилнинг ўзида саккиз нафар малакали қурувчи тайёрланди. Виктор Заиов, Муҳаммадэргаш Бувамирзаев, Неъматжон Яҳёев, Валижон Турғуновлар шогирд тайёрлашда бошқаларга ибрат кўрсатишяпти.

А. ҚУРОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида жамоат ташкилотларининг низомномалари рўйхатга олинди. Маҳаллий саноат ва коммуналмаиший корхоналар, деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмалари, халқ академияси, Ўзбекистон маданият жамғармаси, Халқ табобати жамоат комитети ва бир қанча бошқа ташкилотлар республикада расмий мақомга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири М. Маликов тантанали вазиятда рўйхатга олиш гувоҳномаларини топширди.

(ЎзТАГ).

ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ХУСУСИДА

● БОЙҚЎНУР космодроми, 2 октябрь (ТАСС махсус мухбири **Н. Железнов**). Қозоғистон пойтахти ва Бойқўнур космодроми мамлакатимиз тарихига республикаларнинг янги иттифоқи — мустақил давлатлар иқтисодий ҳамжамияти қарор топишининг муҳим даври сифатида кириши шубҳасиздир. Республикалараро иқтисод комитетининг раҳбари Иван Силаев Қозоғистон диёрида 13 республика раҳбари билан ўтказилган икки кунга шундай баҳо берди.

Бугун Республикаларнинг Президентлари, Бош вазирлари ва бошқа олий раҳбарлари ўзлари ҳозир бўлган космик парвоздан олган бой таассуротларга қарамай, «Олий даражадаги Олмаота анжуманини» амалда давом эттирдилар. Нурсултон Назарбоев ушбу анжуманнинг мазмони сифатида унинг қатнашчилари билан хайрлашар экан, улар кун-бакун янги асосда вужудга келаётган давлатлар иқтисодий ҳамжамиятини мустаҳкамлаш устида ишлайдилар, деб ишонч билдирди. Иван Силаев эса журналистларга бир янгиликни маълум қилди: бугун Олмаотада тасдиқланган шартнома матнини имзолашга тайёр эканлигини билдирган Россия, Қозоғистон ва Белоруссия ёнига Ўзбекистон делегацияси ҳам қўшилди.

ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

I. БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловн**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб ёши 35 дан кам бўлмаган ва 65 дан ортиқ бўлмаган, ушбу Қонунга мувофиқ сайланиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросигина сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 5 йил муддатга сайланади.

Бир фуқаронинг ўзи икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг Президенти халқ депутати бўлиши мумкин эмас.

2-модда. **Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган руҳий бемор фуқаролар, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, шунингдек суд қарори билан мажбурий даволаш жойларига юборилган шахслар сайловда қатнашмайдилар.

3-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш принциплари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови марказий сайлов комиссияси вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси чегаралари доирасида ташкил этадиган сайлов округлари бўйича ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси битта овозга эга.

4-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар, шунингдек меҳнат жамоалари, турар жойлардаги фуқаролар ҳамда ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишлари, башарти улар кўрсатаётган номзодни Ўзбекистон Республикасининг сайлов ҳуқуқига эга бўлган камида 100 минг фуқароси қўллаб-қувватласа, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эгадир.

5-модда. **Сайлов комиссияларининг сайловни ўтказиши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган сиёсий партияларнинг, жамоат ташкилотларининг вакилларидан, меҳнат жамоалари ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчиларининг талабалар билан биргаликда ўтказиладиган йиғилишларининг вакилларидан, шунингдек турар жойлардаги сайловчилар, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар намояндаларидан ташкил этиладиган сайлов комиссиялари таъминлайди.

6-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва уни ўтказишда ошкоралик**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва уни ўтказишда қатнашаётган сиёсий партиялар, давлат ва жамоат идоралари ўз фаолиятларини очиқ ва ошкора олиб борадилар.

Сиёсий партияларга, касаба уюшмаларига, бошқа жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатларга, меҳнат жамоалари ва фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳар қандай номзодни ёқлаб ёки унга қарши ташвиқот юргизиш ҳуқуқи кафолатланади. Бунда Президентликка номзоднинг шани ва қадр-қимматини ерга урадиган маълумотларни ёзма ёки оғзаки тарзда тарқатишга йўл қўйилмайди.

Овоз бериш куни ташвиқот олиб бориш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича тегишли идораларнинг ҳамма қарорлари қабул этилган вақтдан бошлаб етти кун мобайнида эълон қилиниши, радио ва телевидение орқали ўқиб эшиттирилиши керак.

Сайлов комиссиялари аҳолини ўз таркиблари тўғрисида, сайлов участкалари қаерга жойлашгани ва қачон ишлаши ҳақида ҳамда сайловчиларнинг рўйхатидан ўз вақтида хабардор этади.

Сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайлов участкаларида овоз бериш вақтида, овозларни ҳисоблаб чиқиш, шунингдек овоз бериш натижаларини аниқлаш чоғида халқ депутатлари, Қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган сиёсий, касаба ва бошқа хил жамоат бирлашмаларининг, оммавий ҳаракатларнинг, шунингдек меҳнат жамоаларининг, турар жойлардаги фуқаролар йиғилишларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлишга ҳақлидирлар. Вакиллар уларни йўллаган ташкилотлар йиғилиши баёнида тасдиқланган кўчирма ёки уларнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга эга бўлишлари лозим. Сайлов комиссияларини айтиб ўтилган вакиллар ҳозир бўлиши кўзда тутилаётгани тўғрисида олдиндан хабардор этиб қўйиш талаб қилинмайди. Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

7-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг моддий таъминоти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан қопланади. Ўзбекистон Республикаси корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, жамоат бирлашмалари ва айрим фуқароларнинг ана шу мақсад учун ихтиёрий равишда берган маблағларини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси қабул қилиб олади ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ўртасида уларнинг сайлов кампаниясига тенг миқдорда тақсимлаш учун республика бюджетига топширади.

Давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда уларнинг бирлашмалари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бино ва ускуналарни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб қўядилар. Сайлов комиссиялари иш олиб бориши учун давлат ихтиёрида бўлмаган корхоналар ва ташкилотларнинг бинолари ва ускуналари ижарага олинганида ижара ҳақи республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Номзодлар кўрсатиш ҳамда уларнинг сайловолди ташвиқот кампаниясини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ажнабий ташкилотлар ва хусусий шахсларнинг, шунингдек бошқа республикалар ва улар фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар олиб бораётган сайлов кампаниясини пул билан таъминлаш ва бошқа йўсинда моддий мадад беришда бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита иштирок этиши тақиқланади.

8-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш ҳуқуқини эркин равишда амалга оширишига, сайловолди ташвиқоти олиб боришга зўрлик, алдов, таҳдид этиш ва бошқа йўсинда тўсқинлик қилган шахслар, шунингдек сайлов ҳужжатларини сохталаштирган, овозларни атайин нотўғри ҳисоблаган, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқа йўсинда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари қонунда белгилаб қўйилган йўсинда жавобгар бўладилар. Номзодларнинг шани ва қадр-қимматига доғ тушиradиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

II. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ ВА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ

9-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ёки унинг раёсати сайловдан камида 60 кун олдин тайинлайди. Сайлов ўтказиладиган кун тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва таъминлашга доир қарорни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати қабул қилади.

10-модда. **Сайлов округлари тузиш.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округларини Марказий сайлов комиссияси вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси чегаралари доирасида тузади.

Сайлов округларининг чегаралари, сайловчиларнинг сони ҳамда округ сайлов комиссияси қаерда жойлашгани кўрсатилган сайлов округлари рўйхатларини Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тайинлангандан кейин кечи билан 10 кун ўтгач эълон қилади.

11-модда. **Сайлов участкалари тузиш.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови чоғида овоз беришни ўтказиш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш учун ноҳиялар, шаҳарлар, шаҳарлардаги ноҳиялар ҳудуди сайлов участкаларига бўлинади. Сайлов участкалари шунингдек ҳарбий қисмларда ҳам тузилади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин ноҳиялардаги фуқаролар яшаб турган жойларда сайлов участкалари ташкил этилиши мумкин.

12-модда. **Сайлов участкалари ташкил этиш тартиби ва нормаси**

Сайлов участкаларини халқ депутатлари ноҳия, шаҳар (ноҳияга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари), шаҳарлардаги ноҳия Советлари ёки уларнинг Раёсатлари ҳар бир участкага 20—3000 сайловчи нормасида ташкил этади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкаларини халқ депутатлари маҳаллий Советлари ёки уларнинг Раёсатлари қисмлар ва қўшин бирлашмалари командирларининг тақдимига кўра ташкил этадилар.

Сайлов участкалари сайлов белгиланганидан кейин ўн бешинчи кундан кечиктирмай ташкил этилади. Ҳарбий қисмларда, шунингдек олис ва бориш қийин жойларда сайлов участкалари ҳудди шу муддатда ташкил этилади, истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганда ташкил этилади.

Тегишли халқ депутатлари Совети ёки унинг Раёсати ҳар бир сайлов участкасига овоз беришни ташкил этиш учун бино ажратади.

Тегишли халқ депутатлари маҳаллий Совети ёки унинг Раёсати ҳар бир сайлов участкасининг чегараси тўғрисида участка сайлов комиссияси ва овоз бериш учун ажратилган бино қаерда жойлашганлигини кўрсатиб сайловчиларни хабардор этишни йўлга қўяди.

13-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш учун қуйидаги сайлов комиссиялари тузилади:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари.

14-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясини тузиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси раис, раис ўринбосари, котиб ва камида 16 аъзодан иборат таркибда тузилади.

Раис билан комиссиянинг 4 аъзосини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати сайлов белгиланган куни сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ва бошқа ноҳиятлардаги ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртлари ҳарбий хизматчиларининг ваколатларини тасдиқлаш ва ушбу Қонунга мувофиқ ҳарбий ҳизматчиларнин

ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Сайлов бюллетенига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар алфавит тартибда фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулот тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда киритилади.

Сайлов бюллетени сайлов округидаги кўпчилик аҳоли фойдаланадиган тилда, Марказий сайлов комиссияси белгилаган тартибда ва унинг назорати остида нашр этилади.

IV. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР ВА ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

29-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар фаолиятининг кафолатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган вақтдан бошлаб тенг асосларда сайловолди кампаниясида қатнашадилар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги оммавий ахборот воситалари, шу жумладан радио ва телевидение имкониятларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Шу билан бирга ушбу ҳуқуқдан давлат ва ижтимоий тузумнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган асосларига қарши, урушни тарғиб этиш, миллий адоватга ва фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларини камситишга даъват этиш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммасига сайлов кампаниясида моддий-техника ва молиявий таъминот юзасидан тенг имкониятлар яратиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида рўйхатга олинганлар сайловолди кампаниясини ўтказиш вақтида сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ўз ишлаб чиқариш ёхуд хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди доирасида шаҳар пассажир транспортининг (такси бундан мустасно) барча турларида ва шаҳарлараро транспортда бепул юриш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши, ушланиши ёки суд тартибида маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

30-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 10 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишга ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар. Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига кўра ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари учун республика қонунларида белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

V. БОБ. ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

31-модда. **Овоз бериш вақти ва жойи**

Овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан соат 7 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида беш кун олдин хабардор қилади. Ҳарбий қисмларда, олис ва бориш қийин бўлган ноҳиялардаги фуқаролар турар жойларида, шунингдек санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида ташкил этилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, агар рўйхатга киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, исталган вақтда овоз бериш тугалланганлигини эълон қилиши мумкин.

32-модда. **Овоз беришни ташкил этиш**

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтиб келадиган қилиб жойлаштирилади.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз хоҳиш-истакларини яширин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин тегишли сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг барча аъзолари иштирокида сайлов қутиларини текширади, пломбалайди ёки муҳрлайди.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради; бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенларини тегишли сайлов комиссияси сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилгач беради. Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхатидаги ўз фамилияси рўпарасига имзо чекади.

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яшириб ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Сайлов варақасининг нусхасини округ сайлов комиссияси белгилайди.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ажратилган биноларга кела олмаган ҳолларда участка комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин.

Бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритиладилар.

33-модда. **Овоз беришни ўтказиш**

Сайлов бюллетенлари овоз берувчилар томонидан яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирилади. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи кабина ёки хонага ўз хохиши бўйича сайлов комиссиясининг аъзоларидан бошқа бирон кишини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Сайловчи бюллетендаги ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

34-модда. **Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаб чиқиш**

Сайлов участкасида овозларни участка сайлов комиссияси ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан кейин комиссиянинг барча аъзолари иштирокида очилади. Овоз бериш тугашидан олдин сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Сайлов қутиларини очишдан олдин фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияси ҳисоблаб чиқади ва бекор қилади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий рўйхати ва унга илова бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетень олган сайловчиларнинг умумий сонини аниқлайди. Сайлов қутиларида бўлган бюллетенлар асосида комиссия овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди. Сайловчилар бюллетенларга қўшимча ёзиб қўйган фуқароларнинг фамилиялари бўйича овозлар ҳисобланмайди.

Белгиланмаган нусхадаги сайлов бюллетенлари, шунингдек овоз бериш вақтида биттадан ортиқ номзод қолдирилган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масалани участка сайлов комиссияси овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва мажлис баённига ёзиб қўйилади.

Мажлис баёни комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссияси белгилаб қўйган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

35-модда. **Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш**

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг мажлиси баённлари асосида округдаги сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сонини; овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари округ сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва мажлис баённига киритиб қўйилади. Мажлис баёни комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

36-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг натижаларини аниқлаш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси ўзига келиб тушган округ сайлов комиссиялари мажлисининг баённлари асосида республикадаги сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сонини; овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди. Сайловчилар бюллетенларга қўшимча ёзиб қўйган фуқароларнинг фамилиялари бўйича овозлар ҳисобланмайди.

Марказий сайлов комиссияси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни рад этганда бу ҳақда республика Олий судига шикоят қилиш мумкин. Олий суд шикоятни бир ҳафталик муддат ичида кўриб чиқади ва унинг қарори қатъий ҳисобланади.

Президентлик учун курашда номзодлар имконитида тенгсизликни истисно этиш учун лойиҳа номзодларни ҳар қандай ташкилотлар ва айрим шахслар, шу жумладан хорижий ташкилотлар ва чет эллардаги хусусий шахслар пул билан таъминлашини ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини тақиқлайди. Шу билан бирга Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овозини олган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайланган ҳисобланади.

Башарти, сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярми ҳам қатнашмаган бўлса, сайлов ҳақиқий эмас деб топилади.

Сайлов вақтида ёхуд овозларни ҳисоблаш чоғида йўл қўйилган овоз бериш якунларига таъсир этган қоидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим округлар ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Бу қарор устидан бир ой мобайнида Ўзбекистон Респбуликаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги Ахборот сайловдан кейин кўпи билан ўн кун муддат ичида Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

37-модда. **Такрор овоз бериш**

Башарти, номзодлардан ҳеч бири талаб қилинган миқдордаги овозни ололмаса, сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан бошлаб бир ой ичида такрорий овоз бериш кунини белгилайди, бироқ бу муддат сайлов ўтказилганидан камида ўн беш кун кейин бўлиши керак. Такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақидаги хабар матбуотда босиб чиқарилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўп олган номзод сайланган ҳисобланади.

38-модда. **Такрорий сайлов**

Башарти, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилса ёхуд агар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлардан ҳеч бири сайловчиларнинг овозини талаб қилинган миқдорда олмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши Марказий сайлов комиссиясининг тақдимномасига кўра такрорий сайлов тайинлайди. Бунда комиссия сайловни янги тартибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари ўтказиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказилган сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг аввал тузилган рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Комиссиялар тузиш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини такрор ўтказиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилгандан кейин икки ой ичида ўтказилади.

39-модда. **Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Президентлик лавозимига киришиши**

Сайловда ғалаба қилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси сайлов натижаларини расман эълон қилган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот комитетининг раиси Э. Ҳ.Халилов маърузаси

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Бугун сизларнинг муҳокамангизга ҳавола этилаётган Қонун лойиҳаси ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. У республика тарихида биринчи марта мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентини қонуний асосда умумхалқ томонидан сайлаш имконини беради.

Мазкур лойиҳани баобрў олимлар, ҳуқуқшунослар тайёрладилар. Уни тайёрлаш вақтида чет эл давлатлари ва мустақил республикаларнинг, шу жумладан Украина, Грузия, Қирғизистон, Озарбайжон ва Россия Федерациясининг шу хилдаги қонунлари чуқур ва муфассал ўрганилди, уларнинг энг яхши жиҳатлари олинди, республикамиз шароитига татбиқан қўллаш мумкин бўлган ҳаётий муҳим жиҳатлари ушбу Қонун лойиҳасига асос бўлиб қолди. Лойиҳа Олий Кенгаш Раёсатида атрофлича муҳокама этилди. У Ўзбекистон Президентининг ҳақиқий демократик сайловини чинакам ҳуқуқий асосда, кўзбўямачиликларсиз ва сохта демократиядан ҳоли тарзда ўтказишни кафолатлайди.

Чунончи, 9-моддада белгилаб қўйилишича, Президент сайловини республика Олий Кенгаши ёки унинг Раёсати овоз беришдан камида 45 кун олдин тайинлайди. Бу моддадан кўриниб турибдики, халқнинг чинакам кайфияти ва хоҳиш-иродасини аниқлаш мақсадида сайловни ташкил этиш ва ўтказишда демократик ва ҳуқуқий асосларни таъминлашга муҳим аҳамият берилади.

Лойиҳа республикадаги қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган барча сиёсий партияларга, меҳнат жамоаларига, фуқароларнинг турар жойдаги ва ҳарбий хизматчиларнинг республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлардаги йиғилишларига ҳеч бир тўсқинликларсиз номзодлар кўрсатиш имкониятини кафолатлайди. Номзодларнинг ёши 35 дан кам бўлмаган ва 65 дан ошмаган, саломатлиги ҳолати жиҳатидан улар сермашақкат Президентлик вазифаларини бажаришга лаёқатли бўлишлари керак. Қонун лойиҳасида Конституция негизида кўп партиялилик қоидаси мустаҳкамлаб берилган. Турли сиёсий кучлар давлат лавозимларига ўз вакилларини кўрсатиш учун курашда иштирок этишлари мумкин. Бу кафолат жамиятнинг сиёсий ҳаётида эркин қатнашиши мумкинлигидан кўриниб турибди. Ким Ўзбекистон Республикасининг Президентлигига лойиқ эканлигини халқнинг ўзи овоз бериш вақтида номзодларга ўз муносабатини бевосита ифода этиш билан айтиши керак.

Президентликка номзодларни рўйхатга олиш номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатлар ва номзоди кўрсатилишигача уларнинг ёзма равишда берган розилиги Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган пайтдан бошлаб уч кун ичида, аммо сайлов бошланишидан камида 25 кун олдин амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сони чекланмайди.

Марказий сайлов комиссияси Президентликка номзодни рўйхатга олишни рад этганда бу ҳақда республика Олий судига шикоят қилиш мумкин. Олий суд шикоятни бир ҳафталик муддат ичида кўриб чиқади ва унинг қарори қатъий ҳисобланади.

Президентлик учун курашда номзодлар имконитида тенгсизликни истисно этиш учун лойиҳа номзодларни ҳар қандай ташкилотлар ва айрим шахслар, шу жумладан хорижий ташкилотлар ва чет эллардаги хусусий шахслар пул билан таъминлашини ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини тақиқлайди. Шу билан бирга Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган. Башарти, сайлов кампаниясига корхоналардан, ташкилотлар ва муассасалардан, жамоат ташкилотлари ёки айрим фуқаролардан бирон-бир ихтиёрий иона ёки хайр-эҳсон бўладиган бўлса, уларни Марказий сайлов комиссияси қабул қилиб олади ва сайлов кампаниясида номзодлар ўртасида тенг миқдорда тақсимлаш учун уларни республика бюджетига ўтказади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз вазифасини самарали тарзда адо этиши учун халқ томонидан етарли даражада кенг кўламда қўллаб-қувватланмоғи лозим. Худди ана шу сабабдан 36-моддада шундай дейилган: «Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овозини олган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайланган ҳисобланади».

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўп олган номзод сайланган ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги ушбу Қонуннинг лойиҳаси халқ депутатлари сайлови чоғида ва референдум ўтказишда орттирилган барча тажрибаларимизни, синовдан ўтган тадбирларни рад этмайди, аксинча, ўзига тўлалигича сингдиради. Бундай ворислик сайлов округлари, сайлов участкалари тузиш, сайлов комиссияларини шакллантириш ва уларнинг иш олиб бориши тартибидан, сайловчилар рўйхатини тузиш, сайловолди ташвиқот ишларини юритиш, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралиқдан иборатдир.

Ўртоқлар, сизларнинг муҳокамангизга ҳавола этилган Қонунни ёқлаб овоз беришингизни сўраймиз. Бу Қонун мустақил Ўзбекистон Республикаси қарор топиши йўлида яна бир таянч, кафолат бўлиб қолади.

Мустақиллик йўли—янгиланиш, истиқлол йўли

Мулоҳазалар хатларидан

ЁЛҒОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

Мустақилликка эришдигу, аммо уни сақлаб, мустаҳкамлаб бориш учун кўп муаммоларни ҳал этиш зарурлигини кундалик турмуш тасдиқламоқда. Марказ ҳеч қачон тайёр луқмани осонлик билан оғзидан олдирмайди. Республикамиз устига турли хил ғғвогарлик ва қитмирликлар, туҳмат ва бўҳтонлар ёғдирилиши шундан. Марказий рўзнома ва ойномалардаги бошдан охир ифвога тўла мақолалар ана шу фикрнинг тасдиғи. «Известия»да республикамиз «ҳаётидан олинган» мақолаларни синчиклаб ўқиб чиқдим. «Узиб қўйилган вагон» муаллифи В. Вижутович яқинда бўҳтондан иборат яна бир шарҳли мақола («Известия», 26 сентябрь) билан чиқиб ўзининг асл башарасини кўрсатди. Эмишки, Ўрта Осиё халқлари жипслашиб янада яқинлашаётгани буларнинг ҳаммаси антидемократия ҳаракатларининг қутқуси билан бўлаётган эмиш.

Ҳа, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ўзаро дўст ва ҳамкор. Бу борада янгилик очишнинг кераги йўқ. Чунки дўстлигимиз ҳаммага ҳам маълум ҳақиқат. Бироқ улар ўртасида Вижутович «башорат» қилганидек антидемократик ҳаракат таъсири йўқ. Сирасини айтганда Ўзбекистонда демократияга қарши кишиларнинг ўзини кундузи чироқ ёқиб ахтарган билан топиб ҳам бўлмайди. Қўшни республикалар ўртасида ҳалоллик, поклик, ўзаро ҳурмат мужассам. Мана шу дўстлигимизни кўролмайдиганларга эса айтар сўзимиз: бизларни тинч қўйинглар, орамизга низо ва нифоқ ўтларини ташламанглар. Акс ҳолда бу ўт алангаланиб кетиши ҳеч гап эмас. Вижутовичга эса маслаҳатим — ёлғон-яшиқ мақолалар билан ўзингиз ишлаётган «Известия» рўзномасининг обрўсини тўкманг.

С. ТУРАЕВ,
2-гуруҳ ногирони, Бутуниттифоқ аҳамиятига молик фахрий пенсионер.

ЮРТИМ ТАҚДИРИ – БИЗНИНГ ТАҚДИРИМИЗ

Республикамиз мустақил бўлди. Бунга Президентимиз И. Каримов айтганидек, ўз ҳаракатларимиз ва меҳнатимиз эвазига эришдик. Бунинг қадрига етиб, ҳамма жойда осойишталик, тотувлик ва интизомни сақлаб қолишимиз даркор. Зеро, ҳар қандай хайрли иш гапбозлик ва мажлисбозлик билан эмас, бир карра, ўн карра кўпроқ меҳнат қилиш билан рўёбга чиқади.

Яна бир нарсани айтмоқчиманки, марказдаги айрим кимсаларга республикамиз мустақиллиги, юртимиздаги осойишталик ва тотувлик ёқмаётган кўринади. Лекин ит ҳуради, карвон ўтади, деб жимгина ўтирмай, уларга мустақил халқ нималарга қодир эканлигини ҳалол меҳнатимиз билан амалда кўрсатайлик.

А. ҚУТБИДДИНОВ,
Марғилон шаҳри.

ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Шукурки, аждодларимиз орзу қилган кунларга ҳам етиб келдик. Аммо бу ишимиз битди, деган гап эмас. Аксинча, олдимизда кўпдан-кўп ва қийин вазифалар турибди. Мустақиллик биринчи галда халқнинг фаровон турмуши таъминланади, деган гап. Шунинг учун ҳам мажлисбозлик ва митингбозликни бир ёққа қўйиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз, ишлаганда ҳам жон-дилдан меҳнат қилишимиз даркор. Бусиз халқнинг дастурхонини тўкин қилиб бўлмайди. Ахир, ҳаракатда баракат деган гап бежиз айтилмаган-ку! Шундай экан, юрагида қўри бор ҳар бир ўзбекистонлик жон-дилдан ишлайдиган пайт келди. Юртимиз мустақиллиги, келажагимиз ўз қўлимизда эканлигини сира ҳам унутмайлик.

Ф. ЗОКИРОВ,
Тошкент шаҳри. фахрий темирйўлчи.

ҲАМЖИҲАТЛИК ЗАРУР

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясини ярим тунгача ойнаи жаҳон орқали диққат билан кўрдим. Айрим депутатларнинг чиқишларидаги андишасизлик, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ташвиши сезилмаётгани мени ажаблантирди. Ахир, ҳозир бизга аҳиллик, ҳамжиҳатлик, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш ҳар қачонгидан ҳам зарур-ку. Ёки республикамизнинг мустақиллиги эълон қилинганини, юртимизда озодлик шабадаси эса бошлаганини кўролмаётганлар, марказий матбуотда тутуруқсиз гапларни айтаётганлар камлик қиляптими?!

Дўппини ерга олиб қўйиб, бундоқ ўйлаб кўрайлик. Ахир бундан бир ярим-икки йил аввал республика қишлоқ аҳолисининг аҳволи қандай эди-ю, бугун қандай? Марказнинг буйруқбозлигига, халқни менсимаслигига, «ўзбек иши» деган уйдирмаларга қарши курашган кишилар ҳозирги раҳбариятимиз эмасми? Халқ учун қайғуриб, мардлик билан қанчадан-қанча пахта экиладиган ерларни қисқартириб, шу тариқа дон-дун, мева-сабзавот, полиз экинлари экилишига кенг йўл очган шулар эмасми? Муҳтож халқимизга томорқа, уй-жой солиш учун ерлар ажратиб берган ким? Ўзбекистонда нон, дон маҳсулотлари нархини бир хил сақлаб турган, уларнинг нархи ошишига йўл қўймаган шу раҳбариятимиз эмасми? Ўзбек халқини мустақиллик йўлига олиб чиқишга бош-қош ҳам шулар эмасми?

Султон суғини хўрламас, деган гап бор. Менимча ҳозир гина-кудуратни бир ёққа йиғиштириб қўйиб, ақл билан иш қилишнинг, куч-ғайратни мустақилликни реал ҳақиқатга айлантиришга сарф-лашнинг айни пайти.

С. ШОБАРАТОВ,
Р. Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими.

Андижон вилояти Совет-обод районидаги чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси йил бошидан буён истеъмолчиларга 23,5 миллион сўмлик буюмлар етказиб берди. Ишлаб топилган маблағнинг 5 миллион сўмга яқини соф фойдадир.

СУРАТДА: бирлашманинг ишчиси Маҳбуба Ниёзова.

Ш. АЛИМОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

Завқ улашиб саҳнадан, Раққоса учиб ўйнар. | Хиромини бир кўрган Нафосат, дея ўйлар... | С. Маҳкамов олган суратлавҳа.

«Ўзбекистон овози»га ёзилдингизми?

МУШТАРИЙЛАР ХАТЛАРИДАН

ИСТАГИМИЗ ШУКИ...

Хўжалигимиз далаларида пахта йиғим-терими қизғин. 800 теримчи ва 16 та пахта териш машинаси ана шу ишга жалб қилинган. Биз етиштирилган мўл ҳосилни ёғинсочинга қўймай албатта йиғиб-териб, саранжомлаб оламиз. Пахтани қўлда терувчиларга ҳар бир килограмм ҳосил учун 40 тийиндан, механик ҳайдовчиларга ҳар тонна пахта учун 25 сўмдан ҳақ тўлашга қарор қилингани иш суръатининг янада ошишига сабаб бўлмоқда.

Моддий рағбатлантирилаётган хўжалик аъзолари айни пайтда ўзлари учун зарур бўлган буюмларни харид ҳам қилмоқдалар. Шу билан бирга кундалик рўзномаларга обуна ҳам жонланиб кетди. Ҳозиргача «Ўзбекистон овози» рўзномасига 107 киши ёзилди. Яқин кунлар ичида уларнинг сони 400 дан кўпайиши кутилмоқда. Хўжалик бошқаруви ҳам бу ишга бош қўшиб, камхарж, иқтисодий қийналган ҳамда хизмат кўрсатган фахрийлардан йигирма кишининг «Ўзбекистон овози»га обуна бўлиши учун ёрдам кўрсатди.

Ўрни келганидан фойдаланиб, рўзнома ижодий жамоасига ўз истакларимни билдирмоқчиман. Матбуотда оддий халққа шунча кўп яхшиликлар қилган ва республика мустақиллигини таъминлашга катта ҳисса қўшган Президентимизни чор атрофдан бўлаётган хуруж за танқидлардан сақлаш учун шу мазмундаги мақолаларни кўпроқ ёритиб бориш лозим. Бу фақат менинг истагим эмас, қишлоқда яшайдиган барча деҳқон ва чорвадорларнинг ҳам хоҳишидир. Марказий рўзномаларда республикамиз ва унинг Президенти номига айтилаётган турли хил танқидий мақолалар, тўғрироғи мустақиллигимизни кўролмай мамлакат аҳолисида нотўғри таассурот уйғотиш учун атайлаб қилинаётган хуружлар ҳаммамизни ғазаблантиряпти. Бундай ишларга чек қўйиш керак. Талабимиз шу!

А. АМИНОВ,
Элликқалъа районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари.

ЯНА 250 КИШИ ЁЗИЛАДИ

Пахта йиғим-терими суръатини ошириш учун далада ишлаётганларнинг хаёли бўлинмаслиги, рўзғоридан хотиржам бўлиши лозим. Матлубот кооперациямиз шу мақсадда савдо-сотиқ ишларини далага — одамлар ишлаётган жойга кўчирди. Аҳолига зарур озиқ-овқат ва саноат моллари юкланган кўчма дўконлар пешин пайтида кишилар тушликка чиқадиган соатларда дала шийпонлари ёнига етиб боряпти. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги танқислик кучайган кунларда харидорларнинг барча талабларини тўла қондира олаётганимиз йўқ. Тўрткўл савдо базасидан айрим озиқ-овқат маҳсулотларини вақтида ололмаяпмиз. Шакар, қанд, макарон, гуруч жуда ҳам танқис маҳсулот бўлиб қолди. Шаҳар матлубот кооперацияси бошқаруви танқис экан деб қараб ўтиргани йўқ. Экспедитор ва молшуносларни бошқа вилоят ва ҳатто Иттифоқ минтақаларига зарур молларни топиб келиш учун юборяпмиз. Яқинда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида республика савдо ходимларининг ярмаркаси бўлиб ўтди. Матлубот кооперациямиз унда қатнашиб, бир неча вилоятлар билан шартнома тузди.

Савдо жамоамиз «Ўзбекистон овози» рўзномасини севиб ўқийди. Чунки унда бизнинг касбимиз — савдо ишлари ҳам кенг ёритилмоқда. Истардикки, бу иш изчил давом эттирилиб савдо ташкилотларининг тажрибалари ҳақида мақолалар кўпроқ бериб борилса. Шаҳар матлубот кооперацияси ходимларидан юздан кўпроқ киши шу рўзномага обуна бўлди. Октябрь ойи охиригача яна 250 киши унга ёзилиш истагини билдиряпти.

М. МАДИЕРОВ,
Беруний шаҳар матлубот кооперацияси бошқарувининг раиси.

ЭШИТМАДИМ, ДЕМАНГЛАР

ПОЛЬША КАРТОШКАСИ КЕЛА БОШЛАДИ

● Польшада етиштирилган картошка Тошкентга кела бошлади. Дастлабки 6 минг 886 тонна ортилган бу неъмат омборларга туширib олинмоқда.

«Ташгорагропром» бирлашмаси Польшадаги «Колмекс» фирмаси билан тузган шартномага кўра жами 100 минг тонна маҳсулот олиши лозим.

Бундан ташқари Россиядан олинаётган картошка ҳам келтирилиб, аҳолига сотилмоқда.

Польша картошкаси қиш фаслида савдо тармоқларига чиқарилиши мўлжалланган.

ОЛТИННИ КИМ САРАЛАЯПТИ?

Ангрен олтин саралаш фабрикасига бир кеча-кундузда хом ашё маҳсулоти ортилган 30 дан зиёд вагонлар кириб келади. Уларни ўз вақтида туширib олиш Абдуманноб Назарқулов бошлиқ бригада аъзоларига юкланган.

Бригаданинг Э. Абдурасулов, А. Усаров, Р. Омонов, сингари ишчилари зиммадаги топшириқларни 110-115 фоиздан бажариб, вагонларни белгиланган муддатидан илгари бўшатиб қўйишяпти. Бинобарин, хом ашё қайта ишловчилар қўлига ўз вақтида етиб боряпти. Шу боис, корхона барқарор фаолият кўрсатмоқда.

У. ЖУРАЕВ, ишчи.

ҲОДИСА

АВТОБУСДА ЁНҒИН

Икки киши ҳалок бўлди, ўттиздан ортиқ киши турли даражада куйди ва жароҳатланди... Наманган вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг оператив ахборотида айтилишича биринчи октябрь куни рейс автобусида рўй берган ёнғиннинг аянчли натижалари ана шундай. Автобус вилоят марказининг Дўстлик шоҳкўчаси бўйлаб борарди, унинг ичида тахминан соат 1 ларда ёнғин чиқди.

Рўй берган ҳодисанинг сабаблари текширилмоқда.

Барча жабрланганлар дарҳол касалхоналарга ётқизилди, уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Тиббий ёрдам кўрсатиш учун шу куниёқ махсус рейс билан Тошкентдан бир гуруҳ юқори малакали шифокорлар Наманганга етиб келишди.

Халқ депутатлари вилоят Совети, ижроқўми ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ва яқинларига чуқур таъзия билдирдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ

78-ТИРАЖНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1991 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДА СОЧИ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ

Заёмнинг эллик етти разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200231	087*)	2500	235905	067*)	5000	264596	025*)	2500
200480	1—100	300	236037	1—100	300	264606	1—100	300
200536	025*)	5000	236056	1—100	300	265020	1—100	300
200707	075*)	2500	236296	1—100	300	265054	005*)	5000
201145	009*)	2500	236734	034*)	25000	265903	1—100	300
201190	056*)	5000	237213	010*)	1000	266086	054*)	1000
201434	1—100	300	237723	060*)	2500	267035	1—100	300
202416	1—100	300	237789	027*)	2500	267237	1—100	300
203761	1—100	500	237809	1—100	300	267440	061*)	2500
203764	054*)	1000	238379	1—100	300	267462	008*)	5000
203776	028*)	10000	239195	052*)	2500	267838	005*)	5000
204299	054*)	5000	239451	1—100	500	267876	077*)	2500
204588	1—100	300	239502	1—100	300	268196	064*)	1000
205038	1—100	300	239535	099*)	2500	268202	096*)	2500
205182	086*)	5000	239721	056*)	5000	269370	015*)	5000
206039	035*)	2500	239896	1—100	300	271249	073*)	2500
206166	059*)	10000	240138	1—100	500	271999	099*)	2500
206444	032*)	2500	240475	008*)	2500	272065	1—100	300
207059	1—100	300	240902	065*)	10000	272196	1—100	300
207571	1—100	300	241422	082*)	1000	272471	089*)	5000
208033	018*)	2500	241839	084*)	10000	272966	072*)	2500
208279	073*)	1000	242631	1—100	300	275241	091*)	2500
209369	002*)	5000	243200	043*)	10000	275763	1—100	300
209878	002*)	1000	243445	1—100	500	275990	1—100	500
211486	032*)	2500	243960	1—100	300	276849	048*)	5000
212110	063*)	2500	244207	1—100	300	278367	064*)	5000
212128	1—100	300	244440	1—100	300	279228	034*)	1000
212861	012*)	25000	245726	023*)	1000	279832	089*)	2500
214487	072*)	10000	246526	076*)	2500	280195	1—100	300
214606	1—100	300	247125	1—100	300	280704	059*)	2500
214951	1—100	300	247267	091*)	1000	281004	1—100	300
215235	1—100	300	247354	1—100	300	281069	1—100	300
216555	093*)	2500	248697	012*)	2500	281539	031*)	2500
216572	1—100	500	249350	1—100	300	281906	1—100	300
217780	064*)	5000	250194	1—100	300	282636	1—100	500
217988	1—100	300	250224	085*)	5000	282861	050*)	2500
218034	1—100	300	250808	1—100	500	283184	081*)	5000
219315	001*)	2500	251496	097*)	1000	283566	034*)	2500
219942	008*)	2500	252218	063*)	25000	283911	025*)	5000
220211	090*)	2500	252252	1—100	500	284260	1—100	300
221995	1—100	300	252420	024*)	5000	286617	1—100	300
223287	1—100	300	252906	065*)	1000	287426	095*)	5000
223430	063*)	25000	253265	1—100	300	287519	1—100	300
223440	1—100	300	253572	069*)	1000	288187	1—100	300
224010	1—100	300	254365	008*)	2500	288395	048*)	2500
224577	085*)	1000	254593	1—100	500	288440	048*)	5000
224989	046*)	25000	254799	021*)	5000	288478	1—100	300
225376	014*)	1000	255340	094*)	1000	288832	009*)	1000
225694	1—100	500	256280	090*)	10000	289233	1—100	500
227464	1—100	300	256432	1—100	300	289739	021*)	1000
227643	066*)	5000	256749	041*)	2500	289931	065*)	5000
228060	075*)	2500	257417	090*)	2500	290120	034*)	2500
228351	005*)	10000	257615	052*)	2500	290403	054*)	1000
228550	1—100	500	258739	1—100	300	290597	079*)	5000
229252	048*)	2500	258814	1—100	300	290806	059*)	5000
229290	084*)	5000	259155	1—100	300	291401	1—100	300
232940	028*)	5000	259849	1—100	500	291734	063*)	5000
233187	1—100	300	260977	1—100	300	292483	1—100	500
233573	1—100	300	261535	050*)	1000	292891	1—100	300
233643	091*)	2500	262698	052*)	5000	293012	013*)	5000
233823	072*)	2500	263082	1—100	500	293040	1—100	300
234432	020*)	2500	263368	1—100	500	293260	042*)	2500
234619	1—100	300	263513	036*)	2500	295030	1—100	500
235310	052*)	10000	263713	1—100	300	296492	1—100	300
235543	1—100	500	263916	089*)	2500	296652	1—100	300
235820	028*)	10000	264170	1—100	300	297130	009*)	5000
			264573	053*)	2500	298981	039*)	2500

***) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 90 номерига 300 сўмдан ютуқ чиқди.**

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда, — 300, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 600, 1000 сўм ютуқ тўланади. 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 1000, 2500, 5000, 10000, 25000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 300 сўм чиқади ва облигация бўйича 1300, 2800, 5300, 10300, 25300 сўм тўланади. 25 сўм қийматидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, СССР Жамғармалар банкининг муассасалари яна шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — халқ депутатлари Сочи шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Л. Г. Манцурова.

Тираж комиссиясининг масъул котиби — Е. И. Дёмина.

● *1992 йил ижодий дастурлари*

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ" — ҲАМРОҲИНГИЗ

Ўткир ҲОШИМОВ,
ойнома бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

«Агар пули кўп бўлса сумрайган ҳам — Сулаймон, агар пули йўқ бўлса Сулаймон ҳам — сумрайган», деган гапни эшитганмисиз? Ҳозир шундай кунлар келди. Ҳамма нарса пулга келиб тақаладиган бўлиб қолди. Ҳар ким ўз молини бозорга олиб чиқадиган ва албатта, менинг молимдан яхшиси йўқ, дейдиган бўлди.

Инсоф билан айтганда, «Шарқ юлдузи» чиндан ҳам яхши мол, дейишга ҳақлимиз. Ойномамизга ҳар куни келадиган хатлар ҳам шундан дарак беради. Уни мамлакатимизнинг турли жойларида, шунингдек, талай чет элларда ҳам синчиклаб кузатиб бошляпти. «Мен анча йиллардан бери она юртимдан узоқда яшайман, — деб ёзади олис Шимолда — Находка шаҳрида истиқомат қилувчи Гулшан Отажонов, — Бироқ шу йиллар мобайнида «Шарқ юлдузи»дан айрилмадим. Унинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман. «Шарқ юлдузи»дан ўзимни қийнаган саволларга жавоб топаман, босилган бадиий асарларни синчиклаб ўқийман. Ойнома она юртимнинг нафасини олиб келгандек бўлади».

Мана бу хат эса Олмаота яқинида жазо муддатини ўтаётган Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ Биринчи котиби Иномжон Бузрукович Усмонхўжаевдан келган. Қонунга биноан биз бу киши қисматига ҳакамлик қилолмаймиз. Бироқ ушбу мактубни яшириб ўтириш ҳам ошкораликкa хилоф деб ўйлаймиз. Хатда жумладан бундай сўзлар ёзилган: «Ҳурматли Бош муҳаррир! Мен энг аввало Сиз ва Сиз орқали халқимизнинг энг севимли ойномаси бўлмиш «Шарқ юлдузи»нинг ҳамма ходимларини, таҳрир ҳайъатини катта байрам — ойноманинг 60 йиллиги билан чин дилдан табриклайман. Ҳаммаларингизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, янгидан-янги ижодий зафар ва муваффақиятлар тилайман. Ўзим жумҳуриятимиздан узоқда бўлишимга қарамай, йўлимда гов бўлган анча қийинчиликларни енгиб, севимли ойномам — «Шарқ юлдузи»га обуна бўлдим ва уни ҳар ойда муттасил олиб турибман... «Шарқ юлдузи» ҳақиқат куйчиси сифатида ўзбек халқининг энг севимли ойномасига айланганлиги мени жуда қувонтиради... Кейинги вақтларда чоп этилган кўпгина асарлар, мақолалар, шеърлар қатори ҳаммага маълум «ўзбек иши», «пахта иши» деб аталмиш ишга бағишланган мақолаларни қизиқиб ўқидим. У ерда келтирилган далиллар ва мулоҳазаларга тўла қўшиламан. Лекин чоп этилган мақолалар камчилик ва ноаниқликлардан ҳам холи эмас. Умуман шу кунгача жумҳуриятимиздан («Ёш ленинчи»дан ташқари) бирон шахс мен билан бу соҳада суҳбатлашмагани мени таажжублантиради. Чунки менинг ҳам айтадиган гапларим жуда кўп. Ўша мен ишлаган даврда жумҳуриятимиздаги вазиятни яхши биласиз... Мен Иттифоқ прокуратураси томонидан порахўрликда айбландим. Булар ҳаммаси ўч олиш мақсадида Каракозов, Гдлян, Иванов ва шу каби терговчилар томонидан уюштирилган туҳматлар асосида амалга оширилди. Мен Олий судда ҳеч қандай айбимни бўйнимга олмадим... Ўтиниб илтимос қиламан, бирон ходимингиз келиб, мен билан суҳбатлашсин».

«Шарқ юлдузи»га келаётган яхши-ёмон мактублар, ҳаяжонли ва дардли хатлар оқими ойномамиз ўқувчилари орасига кенг ва теран кириб борганидан дарак беради. «Шарқ юлдузи»нинг яқинда нишонланган 60 йиллиқ юбилейи маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлганлиги, журнал тўйи жумҳуриятимизнинг ҳамма жойларида байрам қилинганлиги бизни айниқса қувонтиради. Бунинг учун ҳурматли муштарийларимиздан ниҳоятда миннатдормиз.

1992 йилда «Шарқ юлдузи» ўзининг бош йўналишларини давом эттиради. Бу аввало, етмиш йил мобайнида топтаб келинган маданий ва маънавий хазинамизни халққа қайтариб беришда кўринади. Ойнома саҳифаларида Исмоил Бухорий ҳадисларининг бошқа нашрларда чоп этилмаган янги боблари, Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг ҳали ўқувчиларга таниш бўлмаган ҳикматлари, Шарафиддин Али Яздийнинг машҳур «Зафарнома» китоби, Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асари, Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Маҳмуд Қошғарий сингари тарихий шахслар ва бугунги кунда кўпчилиқни айниқса қизиқтираётган Муҳаммад алайҳис-салом ҳаёт йўлига оид ҳужжатли асарларни эълон қилишни мўлжаллаганмиз.

Назаримизда, яна бир нарсага — кўп йиллардан бери яшириб келинган тарихий ҳақиқатни очиш — чоризм истилоси ҳақида ҳалол ва холис ҳужжатларни ёритиб бориш алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Таҳририят жавонида чоризм босқини солномаси, Хиванинг подшо Россияси қўшинлари томонидан қонли истило қилиниши, босқинчи генералларнинг хотиралари ва шунга ўхшаш тарихий ҳужжатлар турибди.

Мустақил республиканинг мустақил матбуоти халқига бор ҳақиқатни айтишга бурчлидир.

1917 йил тўнтаришидан кейин Туркистонда рўй берган воқеалар, афсуски, ҳали аниқ ифодасини топган эмас.

Ўзбекистонда қилинган «қизил террор», «босмачилик» деб номланмиш ҳаракатнинг келиб чиқиш сабаблари, фуқаролар урушининг аянчли оқибатлари ҳақидаги ҳужжатларни ёритиш ниятимиз бор. Бу ҳодисаларга тарихий ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан баҳо берадиган вақт етди. Ёзувчиларимиз босмачилик ҳақида бир ёқлама китоблар ёзавериб, «Ўзбекфильм» студияси салкам «басмачфильм»га айланиб, халқимизни қаторасига босмачига чиқариб қўйгани етар!

1937 ва 50-йилларда рўй берган қонли қатағонлар тўғрисида, ҳаётдан эрта кетган устоз адибларимиз қисмати ҳақида, шунингдек, бундан беш-олти йил илгари бўлган «Ўзбек иши» деб номланмиш янги қатағон тўғрисида ўқувчиларни огоҳ қилиш бурчмиздир. Москва буйруғи билан амалга оширилган террор туфайли ноҳақ қамалган ва охир-оқибат гуноҳи йўқлиги тўла исботланган кишилар билан суҳбатлар бериб боришни режалаштириб қўйганмиз.

Табиийки, ойнома саҳифаларида жумҳуриятимиз ва чет эл адибларининг энг бақувват асарлари мунтазам ёритиб борилади. Янги йил бошиданоқ Шукур Холмирзаев, Омон Мухторов, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Мурод Муҳаммад Дўстнинг янги роман, қисса ва ҳикоялари эълон қилинади. Абдулла Орипов, Усмон Азимов, Матназар Абдулҳаким, Икром Отамуродов, Асқар Маҳкамларнинг янги достонлари тайёр бўлиб қолди. Адабий-танқид, бадиий мақоланавислик бўлимларида ҳам кўпчиликни қаяжонлантириб турган мақола ва суҳбатлар, давра гурунглари бор. Бу асарлар одатдаги анъанавий услубда бўлмай, балки ҳаёт ва ижодда рўй бераётган янги об-ҳавони акс эттириши билан ҳам қизиқарлидир.

Қисқаси, «Шарқ юлдузи» ҳамма ерда ҳамроҳингиз бўлади, кўнглингиздаги гапларни ифодалашга уринади, деб ваъда қилишимиз мумкин.

Гапнинг бошида айтганимиздек, ҳозир ҳамма нарса пулга чақиладиган бўлиб қолди. Начора, ҳақиқат шундай! Агар шу маънода гапирадиган бўсак, «Шарқ юлдузи» ҳажми ва эътибори жиҳатидан ўзига мўқобил бўлган ойномалар орасида мамлакатдаги энг арзон журналдир. Обуначилар учун унинг нархи ўзгармай қолди. Бироқ қоғоз, техника, почта хизмати ва яна ўзимизнинг ақлимиз етмайдиган аллақандай сабаблар билан чакана савдо нархи бирмунча қимматлашди. Агар обуначи учун ойноманинг ҳар сони 2 сўмдан тушса, чакана савдода 2 ярим сўмдан олишига тўғри келади. Хуллас, ойномага ўз вақтида обуна бўлиш қулайлиги кўриниб турибди. Такрор айтамиз, биз сизларнинг ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Тошкент давлат шарқшунослик олий билимгоҳи ректорати ва жамоат ташкилотлари, Хитой филологияси кафедраси жамоаси тарих фанлари номзоди, доцент М. К. Миржалоловга акаси

Ботир Қобулович МИРЖАЛОЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент молия олий билимгоҳи ректорати ва «Тарих» кафедраси аъзолари шу кафедранинг доценти Х. А. Раҳматовга укаси

Собиржон РАҲМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти газламалар савдоси улгуржи базаси жамоаси шу база раҳбари Н. Раҳимжоновга онаси

Рихсиой РАҲИМЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳи ректорати ва жамоат ташкилотлари ҳамда дин ва ҳур фикрлилик кафедраси жамоаси этика, эстетика кафедрасининг ўқитувчиси Ж. Мамановга онаси

Ойдин МАМАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номли Тошкент давлат муаллимлар олийгоҳи ректорати, касаба уюшмаси ташкилоти табиат жуғрофия куллиёти жамоаси ботаника кафедрасининг доценти М. Т. Иногомовага онаси

Тошхон ая ИНОҒОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси Янги техника бошқармасининг бошлиғи А. С. Абдураҳмоновга ўғли

Фурсат АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиётва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика—33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода—3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 23.00

№ 194.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12